

15-iyun, 2026-yil

АЛКОГОЛЬ ИСТЕЪМОЛИ ВА ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: МУАММО ВА ОҚИБАТЛАР

Фаррух Исломов

мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада жамиятда алкоголь маҳсулотлари истеъмолининг ортиши натижасида юзага келадиган маънавий ва ахлоқий инқирозлар, миллий қадриятларнинг заифлашуви ҳамда ижтимоий муҳитга етказиладиган зарарлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Алкоголь истеъмоли, маънавий зарар, ахлоқий инқироз, оила институти, миллий қадриятлар, ижтимоий муҳит, тарбия, маънавият сиёсати.

Аннотация: В данной статье анализируются духовные и моральные кризисы, ослабление национальных ценностей и ущерб, наносимый социальной среде в результате роста потребления алкогольной продукции в обществе.

Ключевые слова: Потребление алкоголя, духовный ущерб, моральный кризис, институт семьи, национальные ценности, социальная среда, воспитание, политика духовности.

Abstract: This article analyzes the spiritual and moral crises, the weakening of national values, and the damage caused to the social environment as a result of the increase in alcohol consumption in society.

Keywords: Alcohol consumption, spiritual damage, moral crisis, family institution, national values, social environment, upbringing, spirituality policy.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ровийларнинг бизгача етиб келган ривоятларига қараганда, бир пайтлар қадимги Мисрда асирга олинган тутқунларнинг барчаси битта жойда сақланган, бир жойда овкатлантирилиб, битта жойда қулларча ишлатилган экан. Ётоқ жойлари ўта хароб, емишлари оддий экан. Лекин шундай булса-да, асирлар жуда қувнок; яшар, бир-бирлари билан хазил-хузул қилишни канда қилишмас экан. Кунларнинг бирида Миср хукмдори бундай ҳолатнинг сабабини билишга қизиқиб қолибди. Суриштириб кўришса, шохона дастурхон учун таом тайёрлайдиган ошпаз ириган-чириган, ачиган узумлар сувини йигиб қуйиб, увол бўлмасин деб асирларга яширинча таркатилган экан. Маълум бўлишича, ўша ачиган суюқликни “шароб” деб атайдиган спиртли ичимликнинг худди ўзи бўлган. Бу афсонамисол

15-iyun, 2026-yil

келтиришдан мақсад, кейинчалик “ароқ;”, “шароб”, “мусаллас”, “май”, “вино” “бода” дея аталиб келинаётган спиртли ичимликлар тарихи тўғрисида маълумотлар келтириш эмас[1].

Алкогол – одамларга жуда қадимги вақтлардан бери маълум бўлган заҳардир. 1975 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти алкогольни расмий равишда наркотик деб тан олди. Унинг истеъмол қилиниши натижасида одам миясининг ҳаётий муҳим вазифалари ва энг аввало тормозланиш вазифалари вақтинча ишдан чиқади. Энг янги усуллар билан тадқиқ этиш натижасида шу нарса исбот қилиндики, алкоголь қонда узоқ вақт турмаса-да, лекин мияда ўн беш кунгача сақланиб қолар экан. Бинобарин, бир ойда икки марта ичкилик ичадиган кишининг бош мия хужайралари доимий равишда заҳар таъсири остида бўлади[2].

Алкоголизм одам организмидаги ҳамма системалар ва аъзолар фаолиятига путур етказди. Ичкиликбоз одам ўзи ичаётган ичкилик миқдорини билмай қўяди, марказий ва периферик нерв системаси фаолияти бузилиб (психик касалликлар, невритлар ва бошқа пайдо бўлади), ички аъзолар функцияси издан чиқади. Ичкиликнинг заҳарли таъсири моддалар алмашинуви, айниқса витаминлар алмашинувининг бузилишига олиб келади. Ичкиликбоз одам қўл бармоқлари, кўз қовоқлари, тил учининг титраб туриши, шунингдек ҳар куни бажариб юрган одатдаги ишини бажара олмай қолиши мумкин. Кўп ичадиган одамда кўз хиралашиб, баъзан қулоқ ҳам оғир тортиб қолади. Ичкиликнинг меъдага таъсири натижасида шу аъзонинг барча функциялари бузилади. Ичкилик айниқса жигарга зарарли таъсир кўрсатиб, жигар циррози юзага келади. Алкоголизм панкреатит, қанд касаллиги, стенокардия ва миокард инфаркти касалликларига ҳам сабаб бо‘лади. Ичкилик ички секреция безлари ва биринчи галда жинсий безларга зарар қилади, мижоз сусайиб, жинсий заифлик пайдо бўлади. Аёллар ичкилик таъсирида тез сўлиб қолади, пушти сусайиб, ҳомиладорлик вақтида ҳар хил асоратлар кўпроқ учрайди. Мудом ичиб юриш кишининг барвақт қариб, ногирон бо‘либ қолишига олиб келади. Алкоголизмнинг олдини олиш. алкогольизм белгилари пайдо бўлганда, ичкиликбозни наркология шифохоналарига ётқизиб, узоқ вақт давомида нарколог врач кузатувида мунтазам даволанишни ташкил қилиш керак[3].

Ичкиликбозлик одамнинг ҳам асабий, ҳам руҳий, қолаверса маънавий жиҳатдан баркамол бўлишига катта путур етказадиган, уни залолатга олиб борадиган оғу ҳисобланади. Алкоголь спиртли ичимлик билан одам организмига тушганидан кейин мия хужайраларига тез сурилади. Чунки уларда ларидипидлар жуда кўп бўлади. Буларда эса спирт дарров ёрийди. Алкоголь нерв хужайралари (нейронлар)га ўтиб, улар фаолиятини кескин бузади.

Ичкиликни ҳар куни ичиб турилганда эса нейронлар функционал жиҳатдангина ўзгармай, балки нейронларда структур, яъни емирилиш юзага келади, ҳатто уларни ҳалокатга йўлиқтиради. Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жозки, бош мия пўстлоғи нейронларнинг муҳим бир хусусияти Чунки ана шу хусусият уни организмдаги бошқа ҳужайралардан ажратиб туради. Танамизда бор аъзоларни ташкил этувчи ҳужайралар ҳаёт жараёнида доимий равишда купайиб на улиб туради. Бош мия ҳужайралари 7 ёшгача кўпайиб боради, сўнгра зарарланган ёки ка салланган ҳужайралар бошқа азо лардаги каби янгидан тикланмайди. Спиртли ичимликлар ичишнинг инсульт хавфини пайдо қилиш шак- шубҳасиз. Ҳафтада 300 грамм ичкилик ичиб турган эркак кишида инсульт хавфи ичмайдиган одамларга караганда тўрт ҳисса ортади. Алкоголь қон таркиби ва қон айланишига таъсир кўрсатади. Бу билан инсульт ривожланишга имкон яратади[4].

Ароқ дистилланган юқори даражали алкоғолли ичимликдир. У сув ва этанолдан иборат, шунингдек ҳид ва таъм берувчи унсурлар ҳам қўшилади. Арақ (араб. – тер, буғланиш) – спиртли ичимлик; тозаланган этил спирти (ҳажми 40 – 50%) нинг активлаштирилган кўмир билан ишлов берилган сувли аралашмаси [5].

Ичиш-чекиш миллий қадриятларимизга ёт эканини, муқаддас дини- мизда қаттиқ қораланганини яхши биламиз. Замонавий тиббиёт ҳам бу салбий одатларнинг инсон саломатлигига келтиражак зиёнини аллақачон исботлаб қўйган. Ва табиийки, уларнинг келажак авлод яратувчиси аёллар соғлигига етказадиган зарари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Демак, Она деган буюк масъулиятни зиммасига олувчилар ана шу оҳуларга ошно бўлар экан, бу энг аввало, инсоният наслига путур етказди, қолаверса, бутун жамиятни таназзулга олиб келади. Шундай экан, бу иллатларга қарши жамиятнинг ҳар бир аъзоси, соғлом фикрли ҳар бир фуқаро курашиши керак [6].

Юридик энциклопедияда қайд этилишича, алкоғолизм (инг. alcoholism) - спиртли ичимликларга патологик ҳирс қўйиш (руҳий ва жисмоний мойиллик), алкоғолни истеъмол қилиш тўхтатилганда хумор синдроми пайдо бўлиши, кейинчалик самотоневрологик бузилишлар ва шахс руҳиятининг ўзгариши билан кечадиган ҳасталик [7]. Таркибида этил спирти бўлган ичимликларга ружу қўйишдан иборат касаллик алкоғолизм ёки ичкиликбозлик дейилади[8].

“Алкоголь” сўзи асли арабча «ал-куҳл»дан олинган бўлиб, айрим манбаларда таъкидланишича, «ўткир кукун», «оловли сув» деган маънони англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «алкоголь майин кукун, спирт маъноларини англатиб, молекулалари таркибида кислород ва водород атомлари гуруҳи бўлган бирикмалар, спиртлар, ароқ, вино спирти ва умуман спиртли

15-iyun, 2026-yil

ичимликлардир»[9] деб қайд этилган. Жумладан, М.Ҳ.Рустамбаев алкоғолизм спиртли ичимликларнинг кўп ичилиши оқибатида юзага келишини [10], М.Усмоналиев алкоғолизм алкоғолли ичимликларни муттасил равишда истеъмол қилишнинг оқибати [11] эканлигини таъкидлайди. Шу туфайли, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш алкоғолизм касалига йўлиқишга сабаб бўлади. Шунингдек, алкоғолли ичимликларни суиистеъмол қилиш нафақат уни истеъмол қилган одам учун зарарли бўлмай, балки жамият, иқтисодиёт, демография, ахлоқ учун зарарли ва бошқа салбий оқибатларнинг ҳам сабаби бўлиб қолди. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида киши маст бўлади, яъни организмнинг захарланиши юз беради. «Алкоғолизм ашаддий ичкиликбозлик, саломатликка ва меҳнат қобилиятига зарар етказадиган даражада, яъни мунтазам равишда меъеридан ортиқ спиртли ичимликлар ичиш, алкоғолга берилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик».

Алкоғолизм инсон организмни ишдан чиқаради, унинг маънавий- руҳий дунёсини бузади. Алкоғолизмга дучор бўлган кишилар ўз ижтимоий вазифасини тўлақонли бажара олмай қолади, одамлар ўртасида обрў-эътиборини йўқотиб, кўпчилик назаридан қолади. Алкоғолизм ҳодиса сифатида ижтимоий касалликлар қаторига киради, чунки у жамият аъзолари онгидаги ижтимоий, иқтисодий бузилишлар билан боғлиқдир. Алкоғолизмнинг келиб чиқишига ичимлик таркибидаги алкоғолнинг сархушлантирувчи, кайф берувчи кучи таъсир кўрсатади, яъни алкоғоль инсонга гўё яхши кайфият бахш этади, уни дилкаш суҳбатдошга айлантиради, одамшинаванда, сахий, танти қилади, лекин, буларнинг барчаси ўткинчи ҳолат. Айрим шахслар ҳаётида алкоғолизмнинг касаллик даражасига етишига оилавий, индивидуал-биологик, индивидуал-руҳий омиллар ва микроижтимоий муҳит сабаб бўлиши мумкин. П.С.Тоболкин таъбири билан айтганда, «ичкиликбозлик аҳоли саломатлигига зарар етказади, кўп ҳолларда оила бузилишига сабаб бўлиб, болалар тарбиясига сабий таъсир кўрсатади, ишлаб чиқаришга зиён етишига олиб келади» [12].

Ўзбекистонда шахсни ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитлар яратилган. “Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга [13]”. Ёш авлод мактабгача таълим муассасаларида тарбия олиш, мактабларда, профессионал ва олий таълим муассасаларида ўқиш, ишлаб чиқаришда ўзи севган касбда меҳнат қилиш имкониятига эга. Республикада йилдан-йилга халқ фаровонлигининг ошиши, аҳолининг маиший турмуш шароитларининг яхшиланишига, шунингдек маданий ва спорт муассасалари тармоқлари кенгайиб борди. Айтиш мумкинки, бундай шароитда спиртли ичимлик ичиш оилага, жамоага ва жамиятга зарар келтиради. Шунинг

учун ҳам ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш муаммоси жамият тараққиётида жуда муҳим вазифа бўлди.

Ичкиликбозлик, айниқса, ёшлар онгига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, уларни жиноят содир этишга ундайди. Бу эса, ўз-ўзидан алкоголь маҳсулотларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигидаги улуши ҳам салмоқли эканлигидан далолат беради. Бу борада Л.В. Шишова ичкиликбозлик айниқса, ёшлар онгига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, уларни жиноят содир этишга ундашини кайд этиб ўтади. Бу эса, ўз-ўзидан алкоголь маҳсулотларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигидаги улуши ҳам салмоқли эканлигидан далолат беради [14]. Жумладан, архив маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, 1997-йилнинг 1-ярмида 110478 нафар шахс жамоат жойларида спиртли ичимликларни истеъмол қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, булардан 1115 нафари вояга етмаганлар, 2117 нафари аёллар, 45256 нафари ишчилар, 22763 нафари қишлоқ жойларда ишловчилар, 10459 нафарини хизматчилар ташкил этган. Тиббий хушёрхоналарда жами 40820 нафар шахс сақланган бўлиб, шундан 290 нафарини раҳбарлар, 956 нафарини аёллар ташкил этган. 38194 нафар шахс автотранспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Уларни 3092 нафарини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкогольли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1998-йил 21-майдаги 221-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилинди. Бунга кўра, спирт ва алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид Низом тасдиқланди. Шунингдек, “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси, “Ўзкимё-саноат” уюшмаси спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда материаллар сарфи, тайёр маҳсулот чиқиши нормативларини, шунингдек табиий камайиш нормаларини 1998-йил 1-сентябргача ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланди. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкогольли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда мулкчилик

15-iyun, 2026-yil

шаклларида қатъи назар, спирт ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотиш билан шуғулланувчи корхоналарга татбиқ этилади [15].

Хуллас, инсонлар онгига спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш мумкин эмаслигини тушунтирадиган хислатларни сингдириш керак бўлади. Одамларнинг бир қисми спиртли ичимликларни истеъмолини маълум йўллар билан чегаралаб қўйиш кераклигига оид фикрлар билдиришади. Спиртли ичимликларни меъёрида махсус талонлар бўйича сотиш зарурлиги ҳақида ҳам таклифлар бериш мумкин. Бошқа бир тоифа эгалари спиртли ичимликларни ичишни назорат қилиш ва сурункали алкоғолизм ривожланишининг олдини олиш авваламбор инсонга алкоғолга, мастлик ҳолатига нисбатан салбий муносабатни шакллантириш зарур деб ҳисоблашади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Носирова С. Фожиага йўл қўймайлик. // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш газетаси. –Тошкент., 2012 йил, 1-сон. –Б.2.
2. Мустафоқулов Б, Жумаев С. Профилактика инспекторининг сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш бўйича профилактикасини такомиллаштириш. Central asian journal of multidisciplinary research and management studies. Volume 2, Issue 4, April 2025. –Б.140.
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жинёт ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Дарслик. Т.1. –Тошкент., ИЛМ ЗИЁ. 2010.-Б.219.
4. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. —Тошкент., Насаф. 2010. –Б.640.
5. Советское уголовное парво. Част особенная. Учебник. Под. ред проф. М.И. Ковалева – Москва. 1983. –С. 244.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Тошкент., Ўзбекистон 2023 йил, -Б.29.
7. Шишова Л.В. Антиалкоғолное воспитание учащихся. –Тошкент., Ўқитувчи, 1990. –С.2-3.
8. <https://lex.uz/docs/-804363?ONDATE=06.08.2022>
9. Абдувалиев А. Проблемы борьбы с наркобизнесом и наркоманией в Республике Узбекистан // Гиёҳвандликка қарши кураш; назарий ва амалий (ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2002. Б. 54.
10. Каракетов Ю. М. Агар жиноятчи сизга тажовуз қилса...—Тошкент., Элдинур, 1999. –Б.13.

15-iyun, 2026-yil

11. Одилжонов У. Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни мажбурий даволашга юбориш фаолияти. «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN: 2181-1601 / Volume: 1, ISSUE: 6, –Б.549-550.
12. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ИХТИЁРИЙ МИЛЛИЙ ҲИСОБОТИ (иккинчи).–Тошкент., 2013 йил, –Б.149.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон Фармонида мувофиқ Агентлик Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тасарруфига ўтказилди.
14. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ихтиёрий миллий ҳисоботи (иккинчи).–Тошкент., 2013 йил, –Б.36.
15. Мавлонов Б. Оила мустаҳкамлиги инсонлар саломатлигининг бош омилидир. Сихат-саломатлик. №2, 2019, –Б.1.

Global
Science
Publication